

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор
(ТошДЎТАУ, Ўзбекистон)

“ИЛМИ БАЛОҒАТ”НИНГ МАНШАЪИ

Аннотация: Мақолада ислом Шарқи мумтоз поэтикаси, бадий тафаккури асоси бўлган “илми балоғат”нинг шаклланиш тарихи, генетик хусусиятлари, назарий канонлари тадқиқ этилган. Шарқ ва Ғарб поэтика илми бадий тафаккур босқичига қадар синкретик шаклда бўлгани, риторика, этика, талқин, мантиқ илмларини ўзида мужассам этгани, кейинги босқичларда дифференциация ва синтез жараёнларини босиб ўтгани боис ўзаро мустақкам аналогияга эгаллиги илмий экскурс, типологик таҳлил йўли билан асосланган. Натижа ўлароқ Шарқ ва Ғарб поэтика илмининг манбаи битта деган назарий хулоса илгари сурилган.

Abstract: The paper examines the classical poetry of the Islamic East, the history of the formation, genetic features, theoretical canons of “ilmu balaghah” (science of eloquence) which is the basis of artistic thinking. Eastern and Western poetics was in syncretic form until the stage of artistic thought and it includes the sciences of rhetoric, ethics, interpretation, and logic. In this paper by scientific excursion, typological analysis Eastern and Western poetics is proved to go through the processes of differentiation and synthesis in later stages and to have a strong analogy with each other. As a result, a theoretical conclusion was put forward that the source of the science of Eastern and Western poetics is the same.

Калит сўзлар: Талқин, этика, риторика, мантиқ, генезис, балоғат, фасоҳат, синкретиклик, синтетиклик, структура, семантика, илмул баён, илмул маъоний, илмул адаб, лафз ва маъно уйғунлиги, далолат, хабар, иншо, муснад, муснади илайҳ, қаср, фасл, васл, итноб, иъжоз, мусовот, талбиҳ, мажоз, истиора, киноя, унли, ярим унли, ундош, бўғин, иттифоқ, исм, феъл, флексия, грамматик флексия, ички флексия.

Keywords: Interpretation, ethics, rhetoric, logic, genesis, balaghah, eloquence, syncretism, synthetics, structure, semantics, ilm-al-bayon, ilm-al-ma’no, ilm-al-adab, harmony of words and meanings, dalolat (evidence), xabar (message), insho (essay), musnad, musnadi ilayh, tower, chapter, vasl, itnob, i’jaz, musavat, talbih, majaz, metaphor, allegory, vowel, semi-vowel, consonant, syllable, ittifoq (union), noun, verb, inflection, grammatical inflection, internal inflection.

XX асрнинг 20-йилларида миллий мутафаккиримиз Абдурауф Фитрат “Санъатнинг маншаъи” номли мақола ёзган, санъатнинг келиб чиқишини мумтоз поэтика назариясига кўра эмас, шу даврда ҳукмрон мавқени эгаллаётган материалистик нуқтаи назардан талқин этган,

назарияни давр мафкурасига мослашга мажбур бўлган эди¹. XXI асрнинг 2022 йилида эса жадидлар бир умр орзулаб ўтган миллий истиқлолимиз ўттиз иккинчи баҳорни қаршилади. Энди биз барча соҳаларда мустақил позициямизни намоеън этишимиз, Шарқу Ғарб адабиётшунослигининг глобал муаммоларига миллий тафаккур негизида ёндашувимиз лозим бўлади.

Бугунги адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб ва глобал муаммолардан бири ўзбек мумтоз поэтикасининг назарий асоси бўлган “илми балоғат” моҳияти, генезиси муаммосидир. Сабаб, ўзбек мумтоз адабиёти узоқ йиллар давомида ғайри методологиялар ҳукмронлиги остида, сиғиши амри маҳол бўлган номуносиб қолипларга сиғдириб келинди. Айни кўштирноқ ичидаги “илмий тамойил” ҳатто бугунга қадар ҳам у ёки бу даражада давом этиб келяпти. Мумтоз адабиётни ўрганишнинг бундай тарихан эскирган, жорий асрда эса замонавий тусга кириб давом этаётган тамойиллари, бизнингча, учта. Булар: 1) Социалистик материализм қолипларига солиш йўлидаги уринишлар, совет даври адабиётшунослигининг етакчи тамойили – марксча-ленинча методология асосида тадқиқ этиш (XX асрнинг 30-йилларидан 80-йилларнинг иккинчи ярмигача); 2) Ғарб поэтика илми анъаналари асосида ўрганиш (совет даври (қисман)дан бугунгача); 3) тасаввуфшуносликнинг умумназарий муаммолари доирасида талқин этиш, ўзбек мумтоз адабиёти, жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб, Яссавий, Навоий, Машраб, Бобур, Сўфи Оллоёр, Огаҳий каби мутафаккирлар ижодининг миллий ва индивидуал хусусиятларини назардан қочириш (асосан, мустақиллик даври).

Ҳолбуки, Шарқ мумтоз поэтикаси негизида шаклланган минг йиллик ўзбек мумтоз адабиёти то XX асрга қадар “илми балоғат” доирасидан ташқарига чиққан эмас. Айни пайтда, ўзининг балоғат чўққисини ҳам шу илм воситасида эгаллаган.

Ушбу тадқиқотда сўз юритмоқчи бўлганимиз “илми балоғат”нинг маншаъи (генезиси) муаммоси эса мумтоз Шарқ ва қадим Ғарб поэтика илмининг ягона манбадан келиб чиқиши ҳақида ва бу айни нуқтаи назардан глобал моҳиятга эга. Қолаверса, асосан IX – XVI асрлардаги кўринишлари эътироф этиладиган, Уйғониш ҳодисаси ўлароқ номланган, аслида бир нечта тарихий босқичларни яшаб ўтган Шарқ ва Ғарб халқлари Ренессансига доир тарихий-типологик, назарий-эстетик муаммо ҳисобланади.

¹Қаранг: Фитрат А. Санъатнинг маншаъи //Маориф ва ўқитғучи журнали, 1927, 5-сон.

Бадий ижод жараёни умумбашарий маданият тарихи силсиласида муҳим бир ҳалқа ўлароқ ўз мазмуни, шакли, воқеликни эстетик идроклаш ва талқин этиш принципларини ўзгартириб, янгилаб, такомиллаштириб келади. Бу жараёни ўрганиш, илмий-назарий талқинлаш, тасдиқ ёки инкор этиш йўлидаги тажрибалар, тадқиқот, таҳлил, хулосалар уйғунлиги муайян методологик тамойилни ташкил этади. Назарий-методологик тамойиллар дунёқараш, замон-макон, бадий талқин принциплари, поэтик канонлар ўзгаришига қараб, герменевтик триада тизимига кўра, тарихий ўзгаришларга учраб туриши мумкин¹. Яъни қадим Шарқ адабиёти намуналари маълум хоссаларига кўра умумметодологик ёндашув тамойилига ўзаро мувофиқ келса-да, қадим Шумер адабиёти билан қадим Миср адабиётини, қадим Ҳинд адабиёти билан қадим Хитой адабиётини, қадим Турк адабиёти билан қадим Форс адабиётини ягона методологик принципга кўра ўрганиб бўлмайди. Балки уларнинг ҳар бири эътиқодий дунёқараш, бадий талқин тамойили, поэтик канонлашуви нуқтаи назаридан индивидуал ёндашувни ҳам талаб этади. Ҳозирда Европа, замонавий Шарқ ва, умуман, жаҳон халқлари бадий тафаккури намуналари тадқиқи учун назарий манба вазифасини бажариб келаётган қадим Юнон назарий-эстетик тафаккури ҳам, тарихан қадим Шарқ маданияти, адабиёти, поэтика илми анъаналарини ўзида жамлагани, Шарқ поэтикаси билан талай умумметодологик хоссаларга эгаллиги эътироф қилинганидан қатъи назар, ўзининг хусусий доирасидагина мукамал “ишлайди”.

Аммо юқорида илгари сурилган методологик хулоса башарият поэтика илмига хос умумийликни инкор этмайди. Аксинча, тарихий поэтиканинг ўзак принципи синкретиклик феноменининг қонунийлиги, дифференция ва синтетизм тамойилининг эса муқаррарлигини кўрсатади. Бу эстетик ҳодиса бир дона бугдой уруғи ва унинг ҳосилдор замин узра ёйилиш жараёнини эслатади: $g\ddot{u}\ddot{e} \ 1\text{sink}=100\text{diff}=1\text{sint} \ \Omega\infty\ddot{U} \ 1\text{sint}=100\text{diff}=1\text{sink}$ формуласи каби². Негаки,

¹“Герменевтик триада тизими” тушунчаси остида биз бир ҳаётий воқелик ва бадий матнга нисбатан муаллиф-тадқиқотчи-ўқувчи учлиги муносабатини назарда тутамиз. Чунки мазкур учликнинг ҳар бири бадий матнга нисбатан турлича муносабатларни намоеън этиши, асарнинг матндан ташқаридаги ҳаётига таъсир этиши, талқин йўналишини маълум даражада ўзгартириши мумкин (- У.Ж.).

² Қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассислар (бугдойшунослар)нинг қайд этишича, бугунги кунда Европа ва Америкадаги энг ҳосилдор ерларга экилган бугдойнинг бир бошоғида 60-80, Россия ҳудудида экилган бугдойнинг бир бошоғида 45 тагача дон бўлар экан. Курьони қаримда бир бошоқдаги бугдойнинг сони 100 дона деб кўрсатилган. Демак, ҳосилдорлик юқори бўлган ерда бир бугдой бошоғида 100 донагача дон бўлиши мумкин. Биз бу ўринда ҳамма далилларни умумлаштириб, ҳосилдорликнинг максимал даражасини, яъни бир бошоқда 100 дон тарзида олишни маъқул топдик (- У.Ж.).

умумий қарашда юзта бошоқ бир буғдой уруғидан тарқалган ва ўз навбатида, бошоқлар таркибидаги ҳар бир дон яна юзта бошоққа асос бўлиб хизмат қилади. Ҳар қайси экин майдонида буғдой етиштиришнинг ўзига хос вақти, технологияси бўлганидек, ҳар бир замон-макондаги адабий манба ўзининг индивидуал сатҳида, туғилган заминида ёрқинроқ намоён бўлади. Айни пайтда, жаҳонда мавжуд барча буғдой донлари ягона дондан ибтидо олгани каби, адабиёт ҳам ўзининг синкретик асосидан мутлоқ маънода узилиб кета олмайди.

Мазкур циркулятивлик тамойили мумтоз Шарқ ва ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш методологиясининг туб асоси – “балоғат илми” муаммосига ҳам тегишли бўлиб, тадқиқотда айни муаммони тарихий ва назарий поэтика контекстида талқин этиш кўзда тутилади.

“Илми балоғат”га эҳтиёж ва уни тушуниш, ўрганишга интилиш Қуръони карим нозил бўлган даврдан эътиборан илк куртакларини намоён эта бошлаган. Бинобарин, бу илм асосида Оллоҳ каломини тўғри англаш, англаганлар устида мушоҳада юргатиш, буни ўзгаларга ҳам етказиш эҳтиёжи турган¹. Шунинг учун “илми балоғат”нинг ўрганилиши масаласи Қуръони каримнинг бирламчи талқини, хусусан, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг набийлик фаолиятлари билан чамбарчас боғланиб кетади. Ислом илмининг илк муаллими сифатида Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларига Қуръони карим маънолари, айни китобга хос услуб ўзига хосликларидан дарс берганлар. Зотан, Оллоҳнинг муқаддас каломи мукамал, балиғ ва фасих усулда туширилган бўлиб, уни ўзининг йўлланмаси ва ёрдамсиз тушуниш мумкин эмас эди. “Сийрат” китобларида келишча, ҳатто Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ўзларига ҳам тўрт буюк фариштанинг пешқадами, хабарчи фаришта – Жаброил алайҳиссалом лозим ўринларда Қуръон маъноларидан сабоқ берганлар.

Демак, “илми балоғат”нинг ўрганилиши башарий силсилага кўра Муҳаммад алайҳиссаломга бориб боғланади. Шу тарзда мазкур илм саҳобаларга, саҳобалардан тобеъийлар таба-тобеъийларга, сўнг навбати билан ислом уламосига ўтиб, илмий ижтиҳодлар натижасида муайян тизимга тушган. Асрлар оша яшаб, бугунгача етиб келган.

Шуни қайд этиш зарурки, “балоғатшунослик”нинг юқоридан пастга қараб келадиган изчил силсиласига тегишли ҳар бир бўғин “илми балоғат”ни ўрганиш йўлидаги ўзига хос босқични ташкил этади.

¹Қаранг: <https://islom.uz/maqola/3715>

“Илми балоғат” шу тарика ўзининг ибтидо давридан эътиборан тадқиқот объекти бўлиб келган. Яъни “балоғат” билан шуғулланганларнинг барчаси ўзидан олдинги олимларнинг ишларини давом эттириш билан бирга, бу универсал илм тадқиқотчиси ўлароқ фаолият кўрсатганлар. Айти сабабдан “илми балоғат”нинг ўрганилишини хориж олимлари ёки замонавий илмий тадқиқотлардан эмас, Қуръоннинг илк давридан белгилаш, тарихан тўғри ва методологик жиҳатдан муҳимдир.

Тадқиқотчилар “илми балоғат”нинг бугунгача давом этиб келаётган хронологик тизимини тўрт босқичга ажратадилар¹. Ўз таснифларига кейинги давр ислом балоғатшунослари томонидан тизимлаштирилган такомил босқичларни асос қилиб оладилар. Бу таснифга кўра, балоғатшуносликнинг биринчи босқичи Қуръони карим нозил бўлганидан милодий X асргача давом этган.

Ҳижрий 796 йилда вафот этган Себавайҳнинг “Ал-китоб”, хижрий 898 йилда вафот этган Мубарраднинг “Ал-комил”, Жоҳизнинг “Баён ва табйин” асарлари шу даврда ёзилган. Тадқиқотчилар бу босқичга хос етакчи жиҳат сифатида “балоғат илми”га доир фикр-қарашлар, манбалар ва далилларнинг қоришиқлиги (синкретиклиги)ни кўрсатадилар. Иккинчи босқич X – XV асрларни ўз ичига олади. Абу Ҳилал Аскарининг “Китоб ус-синоатайн”, Ибн Рошиқнинг “Умда”, Синон Хафажийнинг “Сиррул фасаҳа”, Абу Тоҳир Бағдодийнинг “Қонун-ул балоға”, Абдулқоҳир Журжонийнинг “Далойил ул-ийжоз”, “Асрор ул-балоға” асарлари шу давр маҳсули ҳисобланади. Мутафаккир ватандошимиз Маҳмуд Замаҳшарий шу асарларнинг давоми ва умумлаштирилган талқини ўлароқ “Кашшоф ан ҳақиқат ит-танзил” номли илмий тафсирини ёзган. Ушбу босқичда “балоғат илми” муайян тизимга тушган. Бунгача мавжуд асарлардаги таснифлар, талқинлар, хусусий кузатиш ва ёндашувлардан келиб чиқиб, умумий номда “балоғат” аталган илмнинг таркибий қисмлари ишлаб чиқилган.

XIII асрнинг иккинчи чорагида (иккинчи босқич) “балоғат илми”нинг тизимлашув жараёни энг юқори нуктага кўтарилган. Айти натижанинг ҳосил бўлишида асли туркий бўлган миллатдошимиз Юсуф Саккокийнинг (1229 йилда вафот этган) “Мифтоҳ ул-улум” асари асос бўлиб хизмат қилган. Гарчи бу босқичга қадар ҳам “балоғат илми” бадий сўз билан изчил муносабатда яшаб келган бўлса-да,

¹Қаранг: https://ru.frwiki.wiki/wiki/Rh%C3%A9torique_arabe; <https://cyberleninka.ru/article/n/stanovlenie-i-razvitiie-arabskoy-ritoriki-do-xiv-veka>

“Мифтоҳ ул-улум”дан кейин айна муносабат теранлашди ва мустаҳкам назарий қонуниятга айланди.

Учинчи босқич давр нуқтаи назаридан XV – XIX асрларни қамраб олади. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, ушбу босқичдаги “балоғат илми”нинг ёйилиши герменевтиканинг тушунтириш, шарҳлаш, соддалаштириб талқинлаш сингари амалий йўналишлари доирасида давом этди.

“Балоғат илми” тарихидаги бундай сифат эврилишининг воқеланиши ҳам айнан Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум” асари назарий кўлами, мураккаблиги, муҳимлиги ва ички илмий потенциалнинг кучлилиги билан боғлиқ. Далил шуки “Мифтоҳ ул-улум”дан кейинги балоғатшунослик, асосан, шу асар доирасида кечди. Дастлаб асарнинг учинчи бўлимига Хатиб Қазвиний томонидан “Талхис ул-мифтоҳ” номли илмий шарҳ ёзилди. Мазкур шарҳ асарнинг “бадий”га доир муаммоларини соддалаштириш, ҳар бир тушунча, истилоҳ, талқин усуллари мазмунини очиб беришдан иборат эди. Саъдуддин Тафтазонийнинг “Мутавал алат “Талхис”, “Мухтасар-ул “Мутавал” асарларида эса масала моҳияти янада соддалаштириб ёритилган. Тафтазонийга келиб, “балоғат илми”ни тушунтириш соддалаштирилган бўлса ҳам герменевтик жараён мураккаблашган. Яъни Саккокий ўзигача бўлган балоғатшунослик анъаналарини бир жойга жамлаб, тизимлаштириб тақдим этган бўлса, Қазвиний унинг бир бўлимини шарҳлаган. Тафтазоний бўлса, бирйўла бир нечта талқинларнинг талқинини ишлаб чиққан. Шунинг учун бўлса керак, ислом Шарқидаги аксар мадрасаларда, хусусан, Моворауннаҳр ҳудудидаги ислом олийгоҳларида бу икки асар, Қуръони карим маъноларини англашга доир методик қўлланма сифатида кўпроқ ўқитилган. Бу анъана ҳатто собиқ иттифоқ даврида ҳам “хужра” усулидаги ўқитиш тизимида изчил давом эттирилган.

XV асрдан кейин Саид Шариф Журжоний (1413) “Ҳавойишис Саид алал “Мутавал” асарида Тафтазоний асарларини шарҳлаган. Ватандошимиз, Алишер Навоийнинг ақида ва фикҳ бўйича устозининг ўғли Абул Қосим Лайсий Самарқандий (1483) Тафтазоний асари хусусида “Ҳошяту Абул Қосим Лайсий Самарқандий алал “Мутавал” асарини ёзган.

Учинчи босқичда ёзилган “балоғат”га доир ишлар ислом балоғатшунослиги мақсадига кўра икки йўналишга бўлиб ўрганилади: “калом-фалсафа мактаби”, “адабиёт мактаби”. Манбаларда

айтилишича, “Калом-фалсафа мактаби”да мантикий мушоҳада усули етакчилик қилади. Бу мактаб вакиллари сифатида Абдулқоҳир Журжонийдан Саъдуддин Тафтазонийгача бўлган балоғатшунослар тилга олинади. “Адабиёт мактаби”да эса адабий завқ ва санойиъ жиҳатлари етакчи ўринга чиқади¹. Бу мактабга доир асарлар сифатида юқорида номлари зикр этилган “Умда”, “Сиррул фасоҳа”, “Бадиъ ул-Қуръон” сингари асарлар кўрсатилади. Тўртинчи босқични XIX аср охиридан бугунгача фаолият кўрсатиб келаётган балоғатшунослик илми ташкил этади. Бу босқичга мансуб етакчи балоғатшунослар ва уларнинг муҳим асарлари қуйидагилар: Ҳусайн ибн Аҳмад Мирсафийнинг (1889) “Василат ул-адабийя илал улуми арабийя”, Аҳмад Ҳошимийнинг (1943) “Жавоҳир ул-балоға фил маъоний вал баён ва бадиъ”, Аҳмад Мустафо Мағорийнинг (1952) “Улум ул-балоға” асарлари. “Балоғат илми”га оид энг замонавий асарлар сифатида Амин Ҳумойнинг “Фаннул қавл”, “Балоға ва илмун-нафс”, Аҳмад Ҳасан Зиёднинг “Зифо анил-балоға”, Али Жарим – Мустафо Алимнинг “Балоғат ул-возиха”си эътироф этилади.

Юқорида келтирилган маълумотлар “илми балоғат” тарихига доир Европа, рус, турк, араб, эрон, афғонистон олимлари тадқиқотларида қайд этилади ва, бу ўринда, масала моҳиятини очиш йўлидаги илмий экскурс вазифасини ўтайди.

Айни пайтда “илми балоғат” Озарбайжон, Татаристон, Тожикистон, Ўзбекистон сингари постсовет ҳудудларида ҳам ислом илмлари, Шарқшунослиги, замонавий адабиётшунослиги таркибида ўрганиб келинади. Озарбайжонлик Шарқшунос олима М.Г.Кулиеванинг ёзишича, хориж балоғатшунослиги бирёклама талқинлардан ҳоли бўлмаган. Фақат ўтган аср 80-90-йилларига келиб, бу илмга нисбатан холис, жиддий қараш майдонга келган. Густав Э.фон Грюнебаумнинг 1981 йилда нашр этилган Саккокий “Мифтоҳ ул-улум”и ҳақидаги тадқиқоти “илми балоғат”га нисбатан янгича муносабатларнинг илк намуналаридан ҳисобланади. Шунингдек, Ж.Гаджиев, М.Рафили, Мир Жалол, Рашид Арасли, Паноҳ Халиловлар томонидан ёзилган ўқув дарсликларида балоғат илми, хусусан,

¹<https://cyberleninka.ru/article/n/stanovlenie-i-razvitie-arabskoy-ritoriki-do-xiv-veka>;
<https://cyberleninka.ru/article/n/ash-sharif-ar-radi-i-sbornik-nahdzh-al-balaga-put-krasnorechiya-k-voprosu-o-polemike-otnositelno-atributsii-teksta-v-klassicheskoy>

Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум” асаридаги “илм ул-баён” масаласига эътибор қаратилган¹.

Хориж Шарқшунослиги ва адабиётшунослигида “балоғат илми”нинг ўрганилиши масаласи кенг планда, махсус методологик ёндашувни талаб қиладиган алоҳида масала. Негаки, VIII – IX асрлардан эътиборан Шарқ-ислом мамлакатлари маданияти, тарихи, бадиий-эстетик тафаккури билан жиддий қизиқа бошлаган, қатор тадқиқотлар, таржима ишларини амалга оширган Европа ислом гуманитар илмларининг асоси бўлган “илми балоғат” билан қизиқмаган бўлиши мумкин эмас. Кейинги даврлар Европа эстетика ва адабиётшунослик илмларида кўзга ташланадиган структурализм, янги танқид, семиотика, постструктурализм, структур тилшунослик, систем тилшунослик, структур психоанализга доир тадқиқотларда “илми балоғат” қоидаларида акс этган қатор элементлар учрайди. Бу эса, бизнингча, Шарқ-ислом “балоғат илми”нинг Ғарбдаги нисбатан замонавийлашган, илмий жиҳатдан қолиплаштирилган, эстетик моҳият касб этган талқин босқичини кўрсатади. Аммо бунга қадар ҳам Қуръони карим, Ҳадис илмлари, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом сийратлари, саҳобалар ҳаёти ва фаолияти, ислом дини асослари, ислом тарихи, ислом адабиёти, санъатининг Европа халқлари давлатчилиги, ташқи сиёсати манфаатларига кўра жиддий ўрганиб келингани маълум. Шундай тизимли ва кўламдор тадқиқотлар таркибида “илми балоғат”нинг ҳам атрофлича ўрганилганига эса шубҳа йўқ.

Айни пайтда, Шарқ-ислом мумтоз адабиёти анъаналаридан узилмаган бугунги Арабистон, Туркия, Афғонистон, Эрон каби қатор мамлакатлар адабиётшунослигида “балоғат илми” икки йўналишга кўра ўрганиб келинади. Биринчи ва асосий йўналиш, Қуръон ва Ҳадис илми таркибида; иккинчи йўналиш адабиётшунослик илми таркибида. Бу ўринда биз учун муҳими “балоғат илми”нинг адабиётшунослик аспектида ўрганилишидир.

Чор Россияси, собиқ совет Шарқшунослиги ва адабиётшунослиги ҳам балоғатшунослик муаммолари билан жиддий тарзда шуғулланиб келган. Мақсади, вазифаларига кўра, бу даврлар балоғатшунослигини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ соф Шарқшунослик аспектида ўрганиш бўлиб, унинг асосий мақсади асли мусулмон,

¹ Қаранг: Кулиева М.Г. “Мифтах ал-улум” Сиражаддина ас-Саккаки – ценный источник по теории литературы Востока //Проблемы востоковедения, 2015. - №4 (70). – С. 66.

ислом ақидаси, Шарқ-ислом мумтоз адабиёти анъаналари тизимида яшаб келган мустамлака миллатлар руҳиятига кириш, маънавий дунёсини ҳам истило этиш эди. Иккинчи гуруҳнинг мақсади айни илмни соф назарий адабиётшунослик нуқтаи назаридан типологик тадқиқ этиш бўлиб, бу билан поэтика муаммоларига чуқурроқ кириб бориш, адабиётшуносликнинг нисбатан илмий, академик усулларини ишлаб чиқишни кўзда тутди. Шу йўсинда тузум мафкураси томонидан мажбурият сифатида қўйилган социологик ёндашув талабларини четлаб ўтишга ҳам уринади. И.Ю.Крачковский, А.Б.Куделин, Б.Я.Шидфар, В.В.Виноградов, Г.О.Винокур, В.Б.Шкловский, Б.О.Томашевский, Н.Ю.Чалисова, А.М.Пешковский, Р.Мусулмонкулов, А.Мираҳмедов, И.Абдуллаев, Н.Ибрагимов, Т.Мухторов сингари олимларнинг тадқиқотларини шу қаторга киритиш мумкин.

90-йиллардан кейин балоғат ва бадиий адабиёт, араб мумтоз адабиёти, классик тилшунослик муаммолари атрофида олиб борилган катор тадқиқотларда “балоғат илми” ҳақида ҳам сўз юритилади. Хусусан, Бокуда нашр этилган “Шарқ мумтоз поэтикаси” (1991), “Мумтоз Шарқ риторикаси ва Озарбайжон адабиёти” (1999), “Қуръон риторикаси ва Озарбайжон адабиёти” (2008) номли тадқиқот тўпламларида балоғатшуносликнинг миллий асосда талқин қилингани кузатилади.

Мустақилликдан кейин М.Зиявиддинованинг Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий “Мифтоҳ ул-улум” асари поэтикаси” (1990), Т.Мухторовнинг “Ўрта аср араб новелласи тарихий манба сифатида” (1992), Ш.Шомусаровнинг “Араб фольклори” (1992), “Ўрта аср араб насри” (1993), Н.Ибрагимовнинг “Ўрта аср араб халқ адабиёти” (1994), С.Қаҳҳорованинг “Ал Жоҳизинг “Китаб ал-ҳайван” асарида масал” (2007), Р.Хўжаеванинг “Мумтоз араб адабиёти жанрлари тизими ва типологияси” (2015), С.Рустамийнинг “Ўрта асрлар ислом балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар” (2018) номли тадқиқотларида “балоғат илми” тарихий манбалар, араб фольклори ва адабиёти тарихи, қиёсий-типология муаммолари аспектида талқин қилинади. 2014 йилда З.Шариповнинг “Балоғат фани: баён ва бадиъ илмлари” номли ўқув қўлланмаси нашр этилди. Мазкур ўқув қўлланмада ислом таълим муассалари талабаларига “балоғат илми”нинг “баён” ва “бадиъ”га доир қисмлари таркиби, истилоҳлари ҳақида умумий маълумот бериш кўзда тутилган.

Кўринадики, Ўзбекистонда амалга оширилган “балоғат илми”га доир тадқиқотлар, асосан, Шарқшунослик йўналишида, қиёсий адабиётшунослик, манбашунослик, матншунослик, матн тарихи, тилшунослик масалаларига қаратилган. З.Шариповнинг Тошкент ислом университети талабалари учун ёзилган ўқув қўлланмаси эса Қуръон ва Ҳадис илмини ўрганишга йўналтирувчи илк уриниш сифатида баҳоланишга лойиқ.

Адабиётни “балоғат илми” контекстида ўрганишга доир ўзбек адабиётшунослиги доирасидаги дастлабки уриниш эса, бизнингча, ЎЗРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг собиқ илмий ходими, марҳум Аъзамхон Қозихўжаевга тегишли. Олим тадқиқотларининг замонавий ўзбек адабиётшунослиги учун характерли жиҳати шундаки, уларда Навоий ғазаллари “балоғат илми”нинг конкрет муаммолари асосида тадқиқ этилади¹.

“Балоғат илми” генезиси масаласида дунё Шарқшунослари, адабиётшунослари, эстетиклари, фалсафашуносларининг фикрлари бир нуқтада туташмаслиги, ягона тўхташга олиб келмаслиги эҳтимоли бор. Бунинг асосий сабаби асрлар оша диний, қутбий ва миллий мансубиятнинг етакчи мавқе эгаллагани, умумбашарий жараёнларнинг торайгани, маҳдудлашганидир. Айни пайтда, инсониятнинг тарихан узлуксиз равишда монотеистик эътиқоддан политеистик эътиқодга кейин, яна аксинча, политеистик эътиқоддан монотеистик эътиқодга ўтиб туриши, бу жараённинг циркульятив тарзда такрорланиши, давомийлиги “балоғат илми” генезиси масаласида турли чалкашликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Башариятга хос монотеистик эътиқод ҳали одамлар ер юзида биологик ҳаёт тарзини бошлашидан илгарироқ, бугунги табиий ва аниқ фанлар замон-макон нуқтасини аниқлашга ожиз бўлган даврларда мавжуд эди. Ер юзида ҳаёт ибтидо олган илк саналарда Одам алайҳиссалом ва унинг авлодлари айнан монотеистик эътиқод асосида яшаганлар. Уларнинг маънавий, ижтимоий, маиший, психологик фаолиятлари яккахудолик тушунчаси билан мустаҳкам боғланиб кетган эди. Орадан муайян йиллар, балки асрлар ўтиб, жамият кишилари орасида политеистик эътиқод белгилари пайдо бўла бошлади. Дастлабки одамлар якка Худога сиғиниб, Унинг

¹Қаранг: Қозихўжаев А. Ғазал ғаройиботларининг ибтидоси // Соҳибқирон юлдузи.-2010.-№2; Яна шу муаллиф. “Не ортуқ сўз дедим...” Тўплаб нашрга тайёрловчи У.Жўракулов. – Тошкент: Nurafshon business, 2021. – 296 б.

кўрсатмаларига амал қилиб яшаган бўлсалар, политеизм босқичида эътиқод ўзгарди, инсон сиғинадиган объектлар сони ҳам кўпайди. Энди одамлар якка ва барҳақ Оллоҳни қўйиб, ота-боболари илоҳий китоблар воситасида таниган фаришталарга, ўтмиш аждодлари руҳига, уларнинг хайкалларига, осмон, қуёш, ой, юлдуз каби самовот жисмларига, олов, сув, шамол сингари ер унсурларига сиғинишга тушдилар. Натижада Яратган томонидан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, руҳий ҳолатлар ва у билан боғлиқ эътиқодий муаммоларни бартараф этиш, одамларни тўғри йўлга бошлаш учун асоси ислом – Холиққа бўйинсуниш, итоат этиш бўлган диннинг янгиланган фарз, буйруқ ва қайтариқлари туширилди. Айни вазифани бажариш учун Пайғамбарлар юборилди.

Монотеистик эътиқоднинг илк бор қабул қилиниши маиший кўламда, ҳали башарият ижтимоий ҳаёти бошланиб улгурмаган даврларга тўғри келади. Якка Худо, яъни “Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” ақидасига асосланувчи монотеистик эътиқодни дастлаб Одам алайҳиссалом ва у зотнинг жуфтлари тўғридан-тўғри Оллоҳ хузурида қабул қилган эдилар. Сўнг ер юзида ҳаёт бошланган дақиқалардан эътиборан ўз фарзандларига етказдилар ва ислом жамиятини ташкил этдилар...

Аммо саркаш, танбал, нафс етовида юрадиган ўғиллар, қизлар, набира, эвара, чеваралар йиллар ўтиши билан турли ташқи омиллар сабаб яккахудолик эътиқодидан чекина борди. Аста-секин ҳақиқатни унутди. Мана шу унутганлар ўз генлари, тарихий хотиралари, хаёлотларида, руҳиятларида сақланиб қолган сиғиниш эҳтиёжини эндиликда якка Оллоҳдан ўзга объектлар воситасида қондира бошладилар. Дастлаб бир шахс, оила, гуруҳ доирасида бошланган бу жараён бора-бора уруғлар, элатлар, миллатлар кўламида тарқалди. Шу тариқа бир замон, бир маконда истиқомат қилувчи одамлар орасида турли эътиқодга мансуб гуруҳлар, элат ва миллатлар пайдо бўлди. Ҳар бир политеистик эътиқод вакили ўз турмуш тарзига яқин ёки руҳий ҳолатига мувофиқ, иқтисодий, ижтимоий эҳтиёжига мос объектни ўзи учун эътиқод объекти ўлароқ танлади. Масалан, башарият иқтисодий турмушининг бирламчи манбалари бўлган деҳқончилик ва чорвачилик маданияти Осмон, Қуёш, Ер, ёмғир, чакмоқ, олов, сув, шамол билан боғлиқки, бу жиҳат улар эътиқод қилган объектлар характерида ҳам яққол кўринади.

“Ислом тарихи” китобида политеистик жараённинг бошланиши шундай баён қилинади: “Одам атонинг дастлабки авлодлари ичида Оллоҳдан кўрқадиган, тақводор, солиҳ кишилар бор эди. Атрофдагилар уларни яхши кўришар, хурмат қилишарди. Вақти-соати етиб улар вафот этишгандан сўнг шайтон қолган кишиларни: “Агар сизлар вафот этган солиҳ кишиларни ҳақиқатда яхши кўрсангиз, уларни эслаб туришни хоҳласангиз, суратларини чизиб қўйинг, эртаю кеч кўриб турасизлар”, дея васваса қила бошлади. Бу гап одамларга ёқиб тушди. Аввалбошда суратларига қараб уларни эслаб туришди. Сўнг суратлар ўрнига ҳайкаллар қилиб, ибодатхона ва уйларга қўйишди... Вақт ўтиши билан ҳайкалларнинг сони ҳам, уларга бўлган иззат-икром ҳам ортиб бораверди. Қайси солиҳ киши вафот этса, унга ҳайкал қўядиган бўлишди. Кейинги авлодлар ўз оталарининг ҳайкалларини улуғлаётганларини, уларнинг ҳузурида дуо қилишаётганларини кўриб вояга етдилар... Шундай қилиб ҳайкаллар буту санамларга айланди. Одамлар уларни илоҳ даражасига кўтариб, эътиқод билан ибодат қила бошладилар”¹.

Башарият политеистик эътиқодининг илк жараёнлари инсон нафси ва бошқа қатор эзотерик омиллар таъсирида жуда тез ва осон содир бўлган бўлса, бундан яккахудолик эътиқодига ўтиши ҳаддан ортиқ қийин кечган. Биринчи одам, биринчи Пайғамбар – Одам алайҳиссалом Оллоҳ ва унинг фарзлари, кўрсатма, насиҳатларини ўз оиласи доирасида нисбатан муваффақиятли тарғиб этган, сингдирган бўлсалар, кейинги Пайғамбарлар (а.с.) учун бу жараён мураккаблаша борган. Чунки кейинги Пайғамбарлар (а.с.) нисбатан кўп, нисбатан бегона, нисбатан илоҳий ҳақиқатдан йироқлашган қавмлар билан ишлаши лозим эди. Айни сабабдан бўлса керак, Одам алайҳиссаломдан кейинги Пайғамбарларнинг (а.с.) барчалари ўзлари масъул этиб белгиланган қавмлари томонидан ҳақоратланган, ҳайдалган, тошбўрон этилган ва ўлдирилган. *Бинобарин, мана шундай кўламдор, мураккаб ва машаққатли фаолият олиб боришда Пайғамбарлар (а.с.) таянадиган асосий қурол сўз бўлган. Бу шунчаки жўн бир сўз эмас, илоҳий калом эди. Илоҳий калом эса, наинки тушунмайдиганлар ёки тушунишни истамайдиганлар, ҳатто илоҳий эътиқодга майли борлар учун ҳам шарҳ, таъвил, таҳлилни талаб этадиган мукаммал ва мураккаб мазмунга эга эди.*

¹Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: HILOL-NASHR, 2017. – Б. 27-28.

Сўзлаш, муайян гап мазмунини шарҳлаш, изоҳлаш, фикрни талқин этиш, таҳлил қилиб бериш вазифаси тарихда асосан Пайғамбарларнинг (а.с.) ўзларига юкланган бўлса ҳам, баъзи ҳолларда Жаброил алайҳиссалом воситасида, баъзан эса тўғридан тўғри ваҳий йўли билан бажарилганини Қуръони карим қиссалари асосида билиб олиш мумкин.

Қадим Пайғамбарларимиздан Нух алайҳиссалом: “Аввал махфий, кейинроқ ошкора, охирида ҳам махфий, ҳам ошкора даъват қилдилар. Шу билан бирга, уларни қизиқтириш учун диндорликдан бу дунёнинг ўзидаёқ келадиган фойдаларни ҳам зикр этдилар. Аммо саркаш қавм Пайғамбарининг даъватини қабул қилмади, турли нобакорликларда давом этди”¹. Бу воқеа “Нух” сурасида шундай баён қилинган: “Нух деди: “Роббим, улар менга исён қилдилар ва моли, бола чақаси зиёндан бошқани зиёда қилмаганга эргашдилар ва ниҳоятда катта макр қилдилар. Улар: “Илоҳларингизни ҳеч тарк қилманглар ва Вадни ҳам, Сувоъни ҳам, Яғусни ҳам, Яукни ҳам, Насрни ҳам тарк қилманг” дедилар” (21-23-оятлар). “Ислом тарихи” китоби муаллифи мазкур сура мазмунини шундай шарҳлайди: “Ривоятларда келишича, Вад, Сувоъ, Яғус, Яук ва Насрлар солиҳ, тақводор кишилар бўлишган. Одамлар уларни ниҳоятда яхши кўриб, ҳурмат қилишган. Вақти-соати келиб улар вафот этиб кетишгач, одамлар шайтон васвасасига учиб, уларнинг суратларини чизишган, сўнг ҳайкалларини ясаб олишган. Улар зиёрат қилинган ва аста-секин уларга дарду ҳасратлар айтиладиган бўлган. Оқибатда вақт ўтиб уларга илоҳ деб қаралган ва ибодат қилинган”².

“Бақара” сурасида баён этилишича, худолик даъвосида бўлган Бобил подшоҳи Намруд ягона Оллоҳ (монотеизм) масаласида Иброҳим алайҳиссаломни баҳсга чақиради. Мулоқот жараёнида у зот (с.а.в.) “Роббинг ким?” деб сўраган Намрудга қарата “Роббим тирилтиради ва ўлдиради” (258- оят), деб жавоб берадилар. Шунда Намруд икки маҳкумни ҳузурига олиб келишларини буюради. Улардан бирини ўлимга ҳукм қилиб, иккинчисини озод қилади ва: “Мана мен ҳам истаганимга ҳаёт ато этишим, истаганимни ўлдиришим мумкин. Чунки Худоман”, дейди. Иброҳим алайҳиссалом бу иддаога қарши жавоб топишга қийналадилар. Айни вазиятда Оллоҳ ўз пайғамбарига:

¹Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: HILOL-NASHR, 2017. – Б. 30.

² Шу манба. – Б. 31.

“Роббим куёшни машрикдан чиқарур, сен уни мағрибдан чиқаргин-чи” (258-оят), дея жавоб беришни ваҳий қилади. Шунда золим шоҳ нима деярини билмай каловланиб қолади¹. Чунки бу жавоб “балоғат илми”нинг асосий белгиси бўлган “иъжоз” (ақлларни ожиз қилувчи) мақомида айтилган, гапнинг фасоҳати ўта юксак, балоғатда бемисл эди.

Намруд билан дискурсив мулоқотда Иброҳим алайҳиссаломнинг ижтимоий мақомлари ўз рақиблариникига нисбатан заифроқ эди. Чунки биринчидан, Иброҳим алайҳиссалом оддий фуқаро ичидан чиққан, бир буттарошнинг фарзанди эдилар. Маълумки, муайян “юрт эгаси”нинг оддий фуқародан кўра имтиёзи кўпроқ бўлади: ҳокимият, мол-мулк, жамият ичидаги юқори мавқе ва ҳ.к. Фуқарода эса бу имтиёзларнинг бирортаси бўлмайди. Намруднинг назарида Иброҳим алайҳиссаломнинг ижтимоий мавқелари шу даражада эди. Иккинчидан, жамият кишилари, қолаверса, Намруд ҳокимлик қилган динсизлар ўлкасида инсон мавқеи, кадр-қиммати унинг иймони билан эмас, ижтимоий-иқтисодий имкониятлари билан ўлчанарди. Бу жиҳатдан Намруд юз фоизлик имкониятга эга бўлса, Иброҳим алайҳиссалом имкониятлари нолга тенг эди. Мана шу вазиятдаги мулоқот одатда имтиёзи кўпроқ томон ғалабаси билан тугайди. Ақл, мантиқ, ижтимоий муносабатлар шуни талаб этади. Аммо илоҳий имконият бундай муносабатларнинг барчасида устундир. Шунинг учун одамлар наздида ҳокимият, бойлик, жамият (қўл остидаги халқ) томонидан қўллаб турилган, ўз жамиятининг “биринчи одами” бўлган Намруд ўзига етказилган хабарнинг (“Роббим тирилтиради ва ўлдиради”) ҳақиқатлигини билиб турса ҳам, ўз имтиёзидан фойдаланиб, уни инкор этади. Аммо жавоб (“Роббим куёшни машрикдан чиқарур, сен уни мағрибдан чиқаргин-чи”) мавжуд имкониятларнинг барчасидан устун келгани сабаб подшоҳ мағлуб бўлади. Бу ўринда бошқа ҳеч нарса эмас, айнан илоҳий сўз Иброҳим алайҳиссалом ғалабаси учун восита бўлиб хизмат қилади.

Яратган ўз бандаларига билдиришни хоҳлаган ҳақиқатларини сўз воситасида етказди. Уни тушунтириш, талқин этиш вазифасини Пайғамбарларига топширади. Бу жараён узлуксиз равишда давом этадики, мана шу узлуксизликни таъминлайдиган асосий восита сўз

¹ Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: HILOL-NASHR, 2017. – Б. 35-44.

бўлса, “балоғат илми” сўзлаш қонуниятларини, шу сўз шакл-мазмунини етказишнинг усул ва йўлларини ўргатади.

Одам, Нух, Иброҳим алайҳиссаломлар билан рўй берган ушбу воқеалардан Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом даврларига қадар жуда кўп замонлар ўтган. Чунки Одам алайҳиссалом биринчи одам ва биринчи Пайғамбар бўлсалар, Муҳаммад алайҳиссалом охирги Пайғамбардирлар (“Хотам ул-анбиё”). Бу икки Пайғамбар оралиғида мингдан ортиқ (бир юз йигирма тўрт минг) Пайғамбар ўтган¹. Муайян қавмга юборилган Пайғамбарнинг (а.с.) ҳар бири худди шу вазифани бажарган: Оллоҳнинг балиғ (мукаммал) каломини ўзига хос йўл, усул билан одамларга етказишган. Ўз-ўзидан Пайғамбарларнинг (а.с.) саҳобалари, шогирдлари, даъватчилари, давомчилари бўлган. Бир Пайғамбар вафот этиб, унинг ўрнига бошқа бир Пайғамбар келмагунча жараён шу тоифа кишилар томонидан давом эттирилган. Айни жараён Пайғамбарлар инкор қилинган, ҳайдалган, ўлдирилган замон ва маконларда ҳам ўз йўлича яшашда давом этган. Жоҳилия даврларида бузилган, мифлашган, асл моҳиятидан узоқлаштирилган эътиқодлар учун ҳам қўлланма вазифасини бажараверган. Шу тарика миф, фольклор ва адабиёт таркибига кириб борган.

Бу хулоса исботи турли замон, турли маконларда сақланиб қолган цивилизацияларга оид фалсафий, илмий, адабий манбаларни солиштириганда юзага чиқади. Шунингдек, “илми балоғат” ўз ибтидосидан бугунгача ўтган “йўли” давомида кўплаб тарихий чегараланиш босқичларини ўтагани, ҳар бир босқичда, давр ва ижтимоий эҳтиёж доирасида, турли ўзгаришларга учраб келганини таъкидлаш лозим. “Балоғат илми” доираси ўз ички чегараланиш босқичларига кўра илоҳий кўрсатма, матнлардан мифга, мифдан фольклорга, фольклордан эса бадий адабиётга қараб торайиб борган. Мифологик эътиқодга асосланган турмуш тарзи, жоҳилия ҳаёти кульминацион нуқтага чиқиб, таназзул даврига кирган, политеистик эътиқод (миф) ўрнини монотеистик эътиқод эгаллаган даврларда ҳам асли бир манбадан (Оллоҳ ҳузуридан) нозил қилинган илоҳий китобларни тушунтириш, тарғиб этишда “илми балоғат”нинг анъанада сақланиб қолган, моҳияти ўзгармаган тажрибаларидан ҳам фойдаланилган. Фақат бу илм турли даврларда турлича ном билан аталган. Илоҳий китоблар туширилган ёки яқка Худога даъват этувчи

¹ Қаранг: Қаранг: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ислоҳ тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: HILOL-NASHR, 2017. – Б. 24.

тиллар ўзгариб тургани боис, моҳиятига кўра бир мақсадни кўзлаган бу илм, шакл жиҳатидан фарқланишга учраган. Баъзан бир қавм ёки миллат доирасидан чиқиб, бир нечта миллатлар доирасида хизмат қилган (масалан, хиристианликнинг дунёдаги кўп миллатлар учун ягона эътиқод ўлароқ талқин этилиши каби).

Айни илм ислом даврига келиб, Қуръони карим ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари асосида қайта шаклланди. Ўзининг мустаҳкам илмий мезонларига эга бўлди. Мукамаллиги, талқин йўлининг аниқлиги, кенглигига кўра “балиғ” – нуқсонсиз илмга, ислом негизида шаклланган мумтоз Шарқ-ислом адабиёти учун ҳам назарий қоидалар асосига айланган.

Шу ўринда, сўз юритилган илмий концепциядан келиб чиқиб, ислом муҳотида майдонга келган “балоғат илми”ни исломгача бўлган маъно ва баён талқинига доир илмлар билан мухтасар қиёслаш зарурати сезилади. Шундагина биз “балоғат илми” генезиси ва тарихий чегараланиш босқичлари масаласига чуқурроқ кириш имконига эга бўламиз.

Афсуски, балоғат илми генезисининг туб асосини ташкил этувчи манбалар бизга қадар тўла ва мукамал ҳолатида етиб келмаган. Бунда юқорида қайд этилган ижтимоий, сиёсий, маънавий, психологик жараёнлар ўз таъсирини ўтказган. Шу нуқтаи назарда айни илм генезисига оид манбаларни нисбатан бузилган ва мослаштирилган, ижтимоийлаштирилган ва индивидуаллаштирилган уч асосга кўра кузатиш имконига эгамиз, холос. Айни асосларни: а) миф – адабиётга қадар мавжуд бўлган сўз, сўзлаш ва талқинлашга оид; б) фольклор ва қадим ёзма адабиётга оид; в) муайян шахслар, мутафаккирлар, файласуфлар томонидан анъана тарзида сақланиб келган, ёзиб қолдирилган сўз ва талқинга оид манбалар ташкил этади.

Башарият цивилизациясининг глобал археологик далилларга эга, бугун ҳам қўлимизда мавжуд энг қадимги манбаси ҳисобланадиган шумер маданиятидан бизгача турли фалсафий, маърифий, мифологик, фольклорга хос ва адабий манбалар етиб келган. Улардаги жаннат тасвири, гуноҳ, жаннатдан қувилиш, Ҳобил ва Қобил, Нух алайҳиссалом тўфони билан боғлиқ воқеаларнинг бадий сўз воситасида ҳикояланиши тўғридан-тўғри илми балоғат тарихи ва генезиси билан боғланади. Шунингдек, қадим Миср, қадим Хитой, қадим Ҳинд, қадим Турк, қадим Эрон маданияти намуналарининг солиштирма тадқиқи ҳам ишимизда илгари сурилаётган муаммо

исботига хизмат қиладики, бунинг учун улкан кўламли махсус тадқиқотлар олиб бориш лозим.

Шундай мураккабликлар боис масаланинг теран ва кўламдор тадқиқини кейинги ишларимизга қолдириб, қуйида башарият цивилизацияси, маърифий-бадий тафаккури анъаналарини асарлар бўйлаб ўзига сингдирган, энг кенжа башарий цивилизация – қадим Юнонга доир бир-икки масала, аниқроғи, Аристотель асарларидаги “рост ва ёлғон” концепцияси асосида “илми балоғат генезиси” ҳақидаги кузатишларимизни мухтасар қиламиз.

“Илми балоғат”, аниқ ва лўнда айтганда, илоҳий манбаларда келган ёки ҳаётда кузатиладиган воқеликни юксак фасоҳат билан ифода этишга доир илмлар мажмуаси, янада аниқроғи, муайян тушунчани балиғ сўз воситасида ифодалаш методологиясидир. “Илми балоғат” мутахассислари айни илм моҳиятини товуш, ҳарф, сўз ва гапнинг шаклан гўзаллиги эмас, мазмун, шакл, идроклаш ва амал уйғунлиги ташкил этади, деган хулосага келганлар. Агар ифода воқелик ва эътиқодга мувофиқ бўлса, шаклан балиғ (балоғатли, мукаммал) ифода касб этади. Акс ҳолда, номувофиқлик ифодани ёмон оқибат, яъни шаклан ҳам хунук ва тубан ифодага олиб келади. Дамак, қайси шаклда (назмий, насрий, илмий, фалсафий, мантиқий ва ҳ.к.) бўлмасин, балиғ сўз сўзловчининг ишонч-эътиқоди сабабидан камолатга эришади. Бу ўринда балиғ сўзнинг жавҳари (ўзак-ядроси) вазифасини шу сўзнинг “рост” ёки “ёлғон”лиги бажаради.

Айни тамойил қадим Юнон мутафаккири Аристотелнинг талқин, риторика, мантиққа доир рисоаларининг ҳам асосини ташкил этган. Мутафаккирнинг бундай асарларини кузатиб хулоса қилиш мумкинки, унинг “Талқин ҳақида”, “Риторика”, “Поэтика”, “Этика” асарлари Аристотелгача бўлган энг қадимги “илми балоғат”га оид ўнлаб манбалар жамланмасидир. Улар Аристотель томонидан турли мустақил сарлавҳа ва рисоалар тарзида қисмларга ажратилган бўлса ҳам, моҳиятан бир нарсага, балиғ сўз айтиш назарияси ҳамда амалиётига доир ўзига хос тизимдан бошқа нарса эмас. Энг муҳими, Аристотель учун “талқин тизими” назарий асос вазифасини бажарган бўлса, мантиқ фикр юритишга, риторика сўз формасига доир амалий восита бўлиб хизмат қилган.

Аристотелга кўра: “Фақат ҳақиқат ёки ёлғон акс этган сўзгина – фикр ташувчи сўз” ҳисобланади. Ҳақиқат ёки ёлғон сўзнинг зоҳирга

чиқиши ҳамда воқеланиш жараёни кўнгилда кечади¹. Мутафаккирнинг ушбу хулосаси Шарқ-ислом муҳотида “илми балоғат” билан шуғулланган мутахассислар хулосалари билан ҳайратланарли даражада мос келади. “Саккокий “Ўсимликларни баҳор кўкартирди” жумласидаги “баҳор” сўзини Яратгувчидан истиоратун бил-киноя, яъни киноя билан истиорага олиш, дейди (киноя бу ўринда бизнинг тушунчамиздаги истехзо, кесатиш маъноларида эмас) ва қуйидагича исботлайди: ўсимликларни баҳор эмас, балки Оллоҳ кўкартиради. Мисол учун, “Фалончига ўлим чангалини солди” жумласидаги ўлим бир вахшийдан киноя. Ўлим мавҳум тушунча, унинг чангали бўлмайди. Йирқич лузуми, яъни бир сифати ориятга олинади ва ўлимга берилади. Шунга ўхшаш баҳор ўсимликни кўкартира олмайди. Жонзотларга жон ато этиш, ўсимликларни кўкартириш – бу Оллоҳ сифати”, деб ёзади бу ҳақда адабиётшунос Аъзамхон Қозихўжа². Демак, “рост ёки ёлғоннинг кўнгилда туғилиши”, яъни бир сўзнинг ё рост ёки ёлғон тарзида умумбашарий тафаккур қозонига тушиши сўзловчи одамнинг эътиқоди (кимга, нимага ва қайси хабарга ишониши) билан боғлиқ.

Шарқ ва Ғарб “балоғат илми”, гарчи турли ном, турли шаклларда бўлса ҳам, буни бир овоздан тасдиқлайди. Ушбу эътироф ёки тасдиқ Шарқ ва Ғарб балоғат илмининг моҳиятан ягона манба – илоҳий китоблар асосида майдонга келганини кўрсатади. Чунки илоҳий китоблар, Яратганнинг даъват ёки қайтариқларида инсонларнинг эътиқодли ёки эътиқодсизлиги у бажариши керак бўлган барча ишлар учун бош мезон қилиб белгиланган. Айни пайтда, жамият равнақи ва таназзули, инсон шарифлиги ва тубанлиги унинг қанчалар ростгўй ёки ёлғончи экани билан белгиланади. “Илми балоғат”нинг қолган барча назарий ва амалий концепциялари эса мана шу илоҳий жавҳар устига қурилган.

Худди шу жиҳатдан “адаб илми” масалалари Ғарбдаги “филологик илмлар” билан бир хил³ бўлган “илми балоғат”нинг маншаъи ўта қидимийлигини, унинг узоқ шаклланиш ва тараққиёт йўли мураккаб, кўп босқичли, шунингдек, типологик хоссага эга

¹ Аристотель. Об истоковании /В кн.: Аристотель. Сочинения в четырех томах. Том 2. – М.: Мысль, 1978. – С. 95.

² Қозихўжа А. Не ортуқ сўз дедим...” Тўплаб нашрга тайёрловчи У.Жўракулов. – Тошкент: Nurafshon business, 2021. – Б. 105.

³ Рустамий С. Ўрта асрлар балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. Филол.ф.доктори...дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 16.

бўлганини таъкидлаш мумкин. Айни масала наинки замонавий Ғарб, хатто Шарқ “илми балоғат”и мутахассислари томонидан ҳам эътироф этилган. “Нақд уш-шеър” асари муаллифи Тоҳо Хусайннинг: “Арасту фақатгина фалсафада эмас, *фалсафа билан баробар балоғат илмида ҳам мусулмонларнинг биринчи муаллимидир*”, деган фикри “илми балоғат” билан Ғарб риторика, поэтика, мантиқ ва этика илми узвий боғлиқлигини тасдиқлайди (таъкид бизники – У.Ж.)¹.

“Илми балоғат”нинг “илм ул-баён”, “илм ул-маъоний, “илм ул-бадиъ” бўлимларидаги лафз ва маъно уйғунлиги, далолатнинг ақлий ва ваъзий турлари, хабар, иншо, муснад, муснади илайх, қаср, фасл, васл, итноб, иъжоз, мусовот, талбих, мажоз, истиора, киноя каби усул ва концепциялар² Аристотелдан олдинги ва ундан кейин Ғарб христианлик таълимотида давом эттирилган шу характердаги илмлар (риторика, стилистика, мантиқ, талқин илмлари) билан мураккаб тизимли аналогияга эга.

Антик эстетика, поэтика, фалсафа бўйича йирик мутахассис Л.Ф.Лосев Аристотель “Поэтика”сини наинки унда акс этган фикр ва маълумотлар воситасида, айни пайтда, Аристотелгача бўлган талқин, риторика, поэтикага доир анъаналар, “Поэтика” матни остидаги, яъни асарда тўғридан-тўғри акс этмаган хулосалар доирасида талқин этади. Масалан, инсон кўнглида хайрат уйғотиш орқали изтироб ва покланиш ҳолатини туғдирадиган трагедияда сўз ва ифоданинг асосий унсурларини, юқоридаги илмий принципларга аналогияли тарзда, шундай таснифлайди: 1) асосий товуш: унли, ярим унли, ундош; 2) бўғин: унли ва ундошнинг қўшиливи; 3) иттифоқ: бир нечта товуш ва бўғинлардан сўз ясаш; 4) аъзо: якка ҳолатда маъно англатмайдиган, гапнинг боши, охири ёки бўлинишини билдирадиган сўз; 5) исм: замонни билдирмайдиган сўз; 6) феъл: вақтни англатадиган сўз; 7) флексия: сўзнинг турланиш ва тусланишда ўзгарадиган тугалланмаси (ташқи, яъни грамматик флексия), янги сўз ва грамматик формалар ясашда ўзакдаги товушларнинг ўзгариши (ички флексия); 8) гап тарзида тақдимлаш ёки таклиф этилган фикр³. Ушбу тасниф “илми балоғат”даги гапнинг ички бўлинишига доир таснифларга деярли юз фоиз мос келади. Аристотель, шунингдек, гапнинг икки турини бадиий ёки ҳар қандай талқин берувчи фикрнинг асосини ташкил этувчи

¹ Тоҳо Хусайний. Нақд уш-шеър. Муқаддима қисми. – Б. 12.

²Қаранг:Рустамий С. Ўрта асрлар балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. Филол.ф.доктори...дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 18-25.

³Лосев А.Ф. История Античной эстетики. Аристотель и поздняя классика. – М.: Искусство, 1975. – С. 432.

восита сифатида кўрсатган: а) оддий ва мураккаб гаплар; б) умумистеъмолдаги сўз ёки глосса¹. Оддий ва мураккаб гаплар ўз-ўзидан тушунарли. Умумистеъмолдаги сўзлар: бундай сўзлар кўлланганда ҳамма учун тушунарли бўлади, аммо юксак бадииятга даъво қила олмайди. Глосса тушунчаси остида Аристотель камчилик томонидан кўлланадиган, асосан, ижодкор шахснинг сўзга оид истифода усулини назарда тутди. Бунда безак берилган сўз – эпитет, аллитерация, анафорага алоҳида урғу беради. Безакдор фикр ёки сўз айнан метафорага қурилгани учун даражаси юқори бўлиши билан бирга, талқиннинг юксак мақомини намоён этади. Ўз навбатида унинг ўзи ҳам махсус талқинни талаб қилади. Метафоралаштирилган гапнинг рост ёки ёлғонлигини билиш учун реципиент истеъдод, иқтидор, идрок ва малакага эга бўлиш шарт мавжуд. “Илми балоғат”да ҳам фасохат ва балоғатнинг шарт бўлган ушбу унсурлар тизими талаб этилади². Ва айни рецептив жараёнда мажоз балоғатни таъминловчи универсал воситадир. Айнан мажоз усулида англатиладиган тушунча, хабар ёки воқеа фасихлик ёки балиғликка даъво қила олади. Чунки мажоз усули билан универсал маъно, яъни мутлоқ (нисбий бўлмаган) ҳақиқатни англатувчи гап “илми балоғат”нинг чўққиси, яъни “иъжоз” – ақлларни ожиз қолдирувчи, реципиентни ҳайрат мақомига кўтарувчи гапдир. Аъзамхон Қозихўжанинг ёзишича, Юсуф Саккокийнинг давомчиси Абдурахмон Қазвиний: “Ўсимликларни баҳор кўқартирди” жумласидаги “баҳор” сўзи мажози ақлий деган тўхтамга келади. Яъни “Ўсимликларни Оллоҳнинг баҳори кўқартирди”, деган хулосани айтади ва баҳор мўмин эътиқодида мажози ақлий, худосиз кимса эътиқодида эса ҳақиқат, дея кўшимча қилади ҳамда гапнинг семантик жиҳатдан эътиқодга алоқадорлигини шарҳлашга киришади. Бунда калом тўртга бўлинади. *Биринчиси, воқеага ҳам, эътиқодга ҳам мутобик* (мос, мувофиқ – У.Ж.); *иккинчиси, воқеага мутобик, эътиқодга мутобик эмас; учинчиси, воқеага мутобик эмас, эътиқодга мутобик; тўртинчиси, воқеага ҳам, эътиқодга ҳам мутобик эмас*”³. Демак, воқеликни мажозий ифодалаш ва қабул қилишнинг энг юксак даражаси биринчи ҳамда учинчи таснифда акс этган мақомдир.

¹ Лосев А.Ф. Кўрсатилган асари. – С. 432.

² Қаранг: Рустамий С. Ўрта асрлар балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. Филол.ф. доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

³ Қозихўжа А. Не ортуқ сўз дедим...” Тўплаб нашрга тайёрловчи У.Жўрақулов. – Тошкент: Nurafshon business, 2021. – Б. 105.

Ф.А.Лосев Аристотелнинг бу борадаги қарашларини шарҳлар экан, ифода, талқин ва рецепция имконидан ташқари (невозможное, ақлни ожиз қилувчи) матннинг “эстетик моҳият касб этиши ва айнан, шундагина ҳайрат ҳолатини туғдириши”ни қайд қилади. “Эстетик моҳият касб этиши” деганда эса талқиннинг мажозийлашуви, балоғат истилоҳи билан айтганда “иъжоз” мақомига кўтарилишини назарда тутлади. Чунки том маънода “иъжоз” мақомида айтилган сўзгина ўқувчи қалбида ҳайрат туғдириши мумкинки, буни бадиий рецепция жараёнининг ҳадди аълоси десак, тўғри бўлади.

Яна такрор айтамизки, Шарқ ва Ғарб маърифий-бадиий тафаккури намуналарининг ягона манбадан озикланиши, генезис жиҳатидан уйғунлиги ҳақидаги илмий-назарий тезисни атрофлича ва типологик асослаш учун юқоридаги далиллар, қиёсий талқинлар етарли эмас. Шу нуқтаи назардан, мазкур тадқиқот қўйилган глобал муаммони тўла маънода ҳал этиш, бу борада кенг кўламли типологик тадқиқотлар олиб бориш йўлидаги бир дебоча эканини таъкидлашни истардик.

Хулоса:

1. Шарқ ва Ғарб адабиёти тарихи ва бугунги замонавий босқичларини, хусусан, ўзбек адабиёти намуналарини истиқлолдан кейинги миллий адабиётшунослигимиз доирасида тадқиқ этиш эҳтиёжи, биринчи навбатда, фан методологиясининг кескин янгиланишини талаб этади.

2. Ўзбек мумтоз, ҳатто замонавий шеърляти, насрининг ўзига хослигини англашимизга, уларнинг жаҳоний кўлами ва бадиият даражасини белгилашга хизмат қилиши мумкин бўлган, тарихан қадимий, моҳиятига кўра замонавий методологик тамойил “илми балоғат”дир. Чунки “илми балоғат” асосида воқеликни идроклаш, тушуниш, тушунтириш босқичлари миллий эстетикамиз тарихининг асосини ташкил қилган.

3. Мумтоз поэтиканинг минг йиллик анъаналари собиқ совет адабий сиёсати тазйиқи, таъқиқи остида узилиб қолгани сабаб, миллий адабиётшунослигимиз бу илмни талқин доирасида қўллаш нари турсин, ўрганишда ҳам дунё адабиётшунослиги рейтингининг охириги ўринларидан бирини эгаллаб турибди.

4. Миллий эстетик тафаккуримизда пайдо бўлган бу бўшлиқни тўлдириш учун эса Шарқ мумтоз поэтикасининг асоси бўлган “илми балоғат”ни атрофлича ўрганиш, унинг жаҳон халқлари бадиий

тафаккури билан типологик уйғунлигини илмий идрок этиш мақсадга мувофиқ.

5. Дастлабки кузатишлардан англашиладики, “илми балоғат” гарчи Шарқ-ислом илмий муҳотида шундай номланган бўлса ҳам, тарихий шаклланиши, тараққиёт тамойилларига кўра ягона маншаъга эга. Айни маншаъ эса башариятга Оллоҳ томонидан нозил қилинган илоҳий кўрсатма, буйруқ, қайтариқ, насихатлар, яъни илоҳий китоблардир.

6. Илоҳий китобларнинг нозил қилиниши, уларнинг маъно-моҳиятини инсониятга тўғри ва аниқ етказиш эҳтиёжи, бу йўлдаги маънавий-маърифий, илмий-амалий, бадий-эстетик фаолият, айни фаолият йўлидаги жараёнлару босқичлар, илк талқинчиларнинг Пайғамбарлар эканлиги, талқинчилар силсиласи эса бугунгача давом этиб келаётгани “илми балоғат” маншаъининг ўта қидимлиги, башарият тарихи билан бир пайтда бошланганидан далолат беради.

7. Хусусан, илоҳий китобларга ишонч, ҳавас ва тақлид натижасида туғилган бадий сўз ҳам “илми балоғат”нинг башар даражасидаги амалий кўринишидир. Бадий сўз худди шу жиҳатига кўра “илми балоғат” билан ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатларига кўра узвий боғлиқдир.

8. Демак, “илми балоғат” назариясини Шарқу Ғарб эстетик тафаккури синтези асосида ўрганиш, унинг генетик илдизлари хусусида тўғри хулоса ва натижаларга эга бўлиш, наинки миллий, айни пайтда, жаҳон илмий-эстетик тафаккури ривожига, глобал цивилизациялар аро узвийликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Жаҳон илм-фанида янги, универсал адабиётшунослик анъаналарининг бошланишига асос бўлади.

Адабиётлар:

1. Аристотель. Об истоковании /В кн.: Аристотель. Сочинения в четырех томах. Том 2. – М.: Мысль, 1978.

2. Кулиева М.Г. “Мифтах ал-улум” Сиражаддина ас-Саккаки – ценный источник по теории литературы Востока //Проблемы востоковедения, 2015. - №4 (70).

3. Лосев А.Ф. История Античной эстетики. Аристотель и поздняя классика. – М.: Искусство, 1975.

4. Рустамий С. Ўрта асрлар балоғат илмида тилшуносликка оид карашлар. Филол.ф.доктори...дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

5. Тоҳо Ҳусайний. Нақд уш-шеър. Муқаддима қисми.
6. Фитрат А. Санъатнинг маншаъи //Маориф ва ўқитғучи журнали, 1927, 5-сон.
7. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: HILOL-NASHR, 2017.
8. Қозихўжаев А. Ғазал ғаройиботларининг ибтидоси // Соҳибқирон юлдузи.-2010.-№2.
9. Қозихўжаев А. Не ортуқ сўз дедим...” Тўплаб нашрга тайёрловчи У.Жўракулов. – Тошкент: Nurafshon business, 2021.
10. <https://islom.uz/maqola/3715>
11. https://ru.frwiki.wiki/wiki/Rh%C3%A9torique_arabe;
12. <https://cyberleninka.ru/article/n/stanovlenie-i-razvitie-arabskoy-ritoriki-do-xiv-veka>
13. <https://cyberleninka.ru/article/n/stanovlenie-i-razvitie-arabskoy-ritoriki-do-xiv-veka>;
14. <https://cyberleninka.ru/article/n/ash-sharif-ar-radi-i-sbornik-nahdzh-al-balaga-put-krasnorechiya-k-voprosu-o-polemike-otnositelno-atributsii-teksta-v-klassicheskoy>